
ҲУРМАТЛИ ВИЛОЯТИМИЗ ФУҚАРОЛАРИ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 8 августдаги "Умра" тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишда зиёратчиларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 345-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги "Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 80-сонли қарори асосида маҳаллий туроператорларга "Умра" хизматларини кўрсатиш бўйича лицензия тақдим этилмоқда.

Фарғона вилояти Туризм бошқармаси томонидан бугунги кунда "Умра" тадбирларини амалга ошириш учун вилоятимизда 11 та маҳаллий туроператорларга лицензиялар берилди.

1. "BRAND TRAVELS" МСНҲ
2. "DOLINA ZOLOTAYA" МСНҲ
3. "SAFO ZIYORAT TURIZM" МСНҲ
4. "KHIZMAT TRAVEL" МСНҲ
5. "MAHDIY-TRAVEL" МСНҲ
6. "FAYZ TOUR TREVEL" МСНҲ
7. "MADINAH TRAVEL 2022" МСНҲ
8. "VODIY SIDDIQ TRAVEL" МСНҲ
9. "AJWA TRAVEL AIR" ХК
10. "MEHR TURIZM" МСНҲ
11. "RAMAZAN TRAVEL SAYONAT" МСНҲ

Сиздан келгусида "Умра" амалларини бажаришда ушбу рўйхатда кўрсатилган туроператорлардан ёки "Умра" лицензиясига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари хизматларидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома асосида фойдаланишингизни сўраб қоламиз.

Бу орқали "Умра" амалларини бажаришингизда барча шароитлардан тўлиқ фойдаланишингиз таъминланади.

Ёлғон маълумотларга ишониб, чет элда сарсон бўлманг, фирибгарларга алданиб қолманг!

Ҳуқуқ ва манфаатларингиз бузилган ҳолларда ёки тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаганда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ёки Фарғона вилояти Туризм бошқармасининг қуйидаги **+99873-244-14-74** телефон рақамига мурожаат қилишингиз сўралади.

Лицензияга эга бўлган туроператорлар ҳақидаги маълумотни ушбу ~~жаго~~ орқали билиб олишингиз мумкин:

<https://umra.uzbektourism.uz/>

2024-01-19 08:27:32